



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 141 (11.952)

Баҳоси эркин нарҳда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Бунда Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан тегишли вазирлик, идора, ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда аънавий тарзда ташкил этилаётган «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати лойиҳаси муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашидан маълум қилишларича, жорий йил «Бунёдкор» ўз сафига 35 мингдан ортиқ талаба-ёшларни бирлаштириши режалаштирилган. Ҳозирга қадар ушбу жамоаларга 13,2 мингдан ортиқ ёшлар жалб этилган. Жумладан, Андижон вилоятидаги олий ўқув юртлирида таҳсил олаётган 470 нафардан зиёд талаба ва маҳалла ёшлари Андижон шаҳрини ободонлаштириш, «Узумбозор» қурилиши ҳамда коммунал хўжалик ишларида фаол иштирок этмоқда.

Қарши муҳандислик ва иқтисодиёт институти талабаларидан тўзилган бунёдкорлар ўқув биноларини, талабалар турар жойларини, спорт-соғломлаштириш мажмуалари ҳамда кўчаларни ободонлаштириш ишларини амалга оширмоқда. Шунингдек, вилоятдаги фермер хўжалиқларида пахта, сабзавот ва полиз экинларини парваришда ҳам яқиндан кўмак бераётир.

Вилоятимизда талабаларнинг таътил вақтини мазмунли ўтказиш ва уларни фойдали ишга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қашқадарё вилояти кенгаши раиси Исмоилдин Абборов. — Жорий йилдаги «Бунёдкор» меҳнат жамоалари нафақат қурилиш, ободонлаштириш ишларида, балки педагогика йўналишида ҳам ёшларни мавсумий иш билан таъминламоқда. Хусусан, олий ўқув юртлирида таҳсил олаётган бўлғуси педагоглар оромгоҳларга етакчи сифатида жалб этилмоқда. Ҳозирга қадар 350 нафарга яқин талаба-ёшлар вилоятдаги оромгоҳларда етакчи сифатида ишлади. Бунёдкор талабалар, шунингдек, қишлоқ ва шаҳарларимизда барпо этилаётган мактаб, коллеж, уй-жойлар қурилишида ишчилар билан ёнма-ён туриб меҳнат қилмоқдалар. Бу ишлар талабаларимизга кўшимча даромад олиш, амалий тажриба алмашишда қўлай имкон яратмоқда.

«Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати иштирокчилари ишдан бўш вақтида кўнглини хордиқ чиқариши учун ҳам барча қўлайликлар яратилган. Мазкур жамоаларда юртимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб «Буёқ ва муқаддасан, мустақил Ватан!» широри остида маданий-маърифий тадбирлар, «Миллий аънава ва урф-одатлар», «Замонамиз қахрамонлари», «Огоҳлик — давр талаби», «Дин ва ёшлар», «Оқсак маънавият — энгилмас куч», «Фоявий тах-



Мухаммад АМИН (УзА) олган сурат

«Бунёдкор — 2011»

БУНЁДКОР ТАЛАБАЛАР ШИЖОАТИ

Мамлакатимиз ёшлари шаҳар ва қишлоқларимизни ободонлаштириш ишларида иштирок этиш орқали Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик муборак тўйини кўтаринки руҳда нишонлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

«Бунёдкорлар — ёш мусавирлар нигоҳида» сингари мавзударда ижодий учрашувлар, давра суҳбатлари ҳамда спорт мусобақалари ташкил этилмоқда.

Бу йилги мавсумда Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасаларида ташкил этилган «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракатида 5150 нафар талаба ва маҳалла ёшларини мавсумий иш билан таъминлаш кўзда тутилган. Тошкент ирригация ва мелiorация институтининг бунёдкор талабаларидан иборат жамоаси улардан бири.

— Етти юз эллик нафарга яқин талабамиз бундай тадбирларда фаол иштирок этмоқда, — дейди мазкур институт «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси Нодир Йўлдошев. — Улар институтиимизнинг ўқув ва лаборатория биноларини, талабалар ошхонасини таъмирлаш ишларида қурувчилар сафида иш олиб бо-

рапти. Жамоанинг унумли меҳнат қилиши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши, хордиқ чиқариши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Уларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган «Энг яхши меҳнат жамоаси», «Меҳнат жамоасининг энг фаол аъзоси» каби танловлар ёшларнинг рағбат-шижоати, қизиқиши ва интилишларини янада оширмоқда.

«Бунёдкор» меҳнат ҳаракатида икки йилдан буюн иштирок этман, — дейди Тошкент ирригация ва мелiorация институтининг учинчи босқич талабаси Бекзод Султонов. — Институтиимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ўз хиссамни қўшаётганидан мамнунман. Бу ҳаракат биз, ёшларни бирдамликка, ҳамжихатликка ундаши билан бирга, касб-хўна сирларини пухта эгаллашимизга ҳам хизмат қилади.

Гўзал САТТОРОВА,
УзА мухбири

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида шаҳарсозлик, янги объектларни лойиҳалаштириш ва қуриш, шунингдек, бинолар хавфсизлигини таъминлаш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ҚУРИЛИШ КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси томонидан «Узури-лиш материаллари» акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йилларида, аввало, саноат ва ижтимоий объектлар, транспорт коммуникацияларини қуриш ва модернизация қилиш, инфратузилмани ривожлантириш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Бу борада тегишли меъёрий-ҳуқуқий база яратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси қабул қилинган. Президентимиз Исрол Каримовнинг 2009 йил 29 январда қабул қилинган «Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтириши рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2010 йил 17 июнда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Нодиржон Мақсумов ва бошқалар Юртбошимиз раҳнамолигида ўтган йиллар давомида юртимизнинг барча ҳудудларида кўплаб кўркам бинолар, турар жойлар, йирик саноат мажмуалари, автомобиль йўллари ва кўприклар барпо этилганини таъкидлади.

Шўртан газ-кимё мажмуаси, Асака ва Самарқанддаги автомобиль заводлари, Кўнғирот сода заводи каби йирик иншоотлар бунга ёрқин мисол бўла олади. Транспорт коммуникация соҳасида ягона транспорт тизими яратилгани, Ўзбекистон миллий автомагистрали, Навоий халқаро аэропорти ва бошқа объектлар бу борадаги эътиборга лойиқ ютуқлардандир.

Ўтган йил якунларига кўра, намунавий лойиҳалар асосида 6800 уй-жой фойдаланишга топширилди, 2011 йил охиригача 357 массивда 7400 уй-жой, шунингдек, ижтимоий ва коммунал хўжалик объектларини барпо этиш кўзда тутилмоқда.

Матбуот анжуманида, шунингдек, пойтахтимизда 2015 йилгача амалга ошириладиган қурилишлар бош режасига эътибор қаратилди.

Ушбу ҳужжатда истиқболда саноат, уй-жой, транспорт-коммуникация қурилиши, ижтимоий, маданий, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа кўплаб соҳалар объектларини барпо этиш бўйича кенг кўламли вазифаларни амалга ошириш назарда тутилган. Мисол учун, Тошкентда янги маҳаллий йўналишлар аэровокзалини қуриш устувор вазифалардан бири бўлади.

Президентимиз Исрол Каримовнинг 2005 йил 24 мартда қабул қилинган «Қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони мазкур соҳани ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Натижада гипсокартон, курук аралашмалар, совуқ ва иссиқ сув таъминотида қўлланиладиган полипропилен қувурлар, говакли бетон, акрил санитария-техник буюмлар, вермикулит, қоплама тошлар, деворбоп ва том ёпиш материаллари, лок-бўёқ ва бошқа қурилиш ашёлари ишлаб чиқарадиган корхоналар ишга туширилди. Айни пайтда қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган 3 мингдан зиёд корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг аксариятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспорт қилинмоқда.

М.МАМЕТОВА,
УзА мухбири

МАМЛАКАТИМИЗ СУВ ХЎЖАЛИГИДА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ЯНАДА КЎПАЯДИ

Тошкентда Ўзбекистон билан Швейцария ўртасида «Ўзбекистонда сув хўжалиги соҳасида касб кўникмаларини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги битим имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ушбу битимни имзолашга бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда мазкур вазирликнинг Урта махсус, касб-хўна таълими маркази, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вакиллари ҳамда швейцариялик мутахассислар иштирок этди.

Тадбирда «Ўзбекистонда сув хўжалиги соҳасида касб кўникмаларини ривожлантириш» лойиҳаси мамлакатимизда таълим сифатини янада ошириш, замонавий билимни ҳар томонлама пухта эгаллаган, меҳнат бозорига талаб юқори бўлган янги авлод кадрларини тарбиялаш бўйича Президентимиз Исрол Каримов томонидан белгилаб берилган вазифаларга

тўла мос келиши таъкидланди. Лойиҳадан кўзланган мақсад касб-хўна коллежлари ва сув ресурсларини бошқарувчи корхоналар ўртасида ушбу муҳим соҳа учун жаҳон стандартлари даражасидаги профессионал кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш борасидаги ҳамкорликнинг янги моделини яратишдир. Лойиҳани таъкид этиш жараёнида, шунингдек, сув таъминоти объектларини таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи кичик ва хусусий корхоналар ҳам бевосита иштирок этади. Бу эса касб-хўна коллежлари битирувчиларини иш билан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш масалаларини ҳал этишга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРАДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЭРТАГА** пойтахтимизда Адлия вазирлиги ташаббуси билан «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ахборот хизматларининг ўрни ва аҳамияти» мавзусида матбуот анжумани ўтказилади.

✓ **КЕЧА** Ҳамза туманидаги «Ҳарбийлар», «Машинасозлар» маҳаллаларида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жағмаиеси шаҳар филиалининг тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси томонидан оналар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида республикаимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб «Келинг, бир қулайлик» аскиячилар кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси томонидан саноатга инвестициялар жалб этиш масалаларига бағишланган семинар ташкил этилди.

• Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Қонун талабларининг Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси томонидан қандай ижро этилаётгани муҳокама қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши ўтказилди. Унда давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджет параметрлари тўғрисида»ги Қарорига асосан, давлат солиқ хизмати органларининг 2011 йил биринчи ярим йиллик фаолияти якунлари сарҳисоб қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг бир гуруҳ малакали шифокорлари Навоий вилоятида соғломлаштириш ҳафталигини ўтказмоқда. Ҳафталик доирасида кардиолог, терапевт, невропатолог ва бир қатор мутахассислар шаҳар ҳамда туманларнинг энг чекка ҳудудларида бўлиб, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда.

• Бўстонлик туманидаги «Рамазон» фермер хўжалигида сутни қайта ишлайдиган янги технологик линия ишга туширилди. Корхона жамоаси ўтган қисқа муддатда ҳудуддаги савдо шохбчаларига 40 миллион сўмликка яқин маҳсулот етказиб берди. Ушбу корхонанинг фаолият бошлаши билан пойтахт вилоятидаги сутни қайта ишлашга ихтисослаштирилган корхоналар сони 33 тага етди.

• Шаҳрисабз туманидаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Шарқ» масъулияти чекланган жамиятида лок-бўёқ хом ашёси учун ярим тайёр маҳсулот — бўр ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ҳозир бу ерда кунига ўртача 10 тонна маҳсулот тайёрланмоқда. Корхона фаолиятининг кенгайтириши эвазига эса кўшимча 12 та иш ўрни яратилди.

ЖАҲОНДА

• Японияда яна бир муаммо юзага келди. Фукусима ҳудудидаги чорва моллари гўштидан меъдирдан ортиқ радиактив цезий топилди. Таъкидлаш керакки, ушбу гўшдан минглаб японлар истеъмол қилишга улғурилган. Ажабланарлиси, гўшт маҳсулотларида илк бор радиактив моддаларнинг меъдирдан ортиб кетиши кузатилмоқда. Авваллари меъдирдан ошган радиактив моддалар фақат полиз ҳамда сут маҳсулотларида кузатилган эди.

• Германия ва Россия биргаликда инновацион технологияларни ривожлантириш кўлаб-қувватловчи жағмага тузишга келишиб олди. Мазкур жағма-нинг дастлабки капитал маблағи 1 миллиард еврони ташкил этади. Ушбу жағма-ма келгусида ишлаб чиқариш соҳасига камхарж инновацион технологияларни жорий этишни молиялаштиришда муҳим роль ўйнайди.

• Сицилиядаги Этна вулкони яна «уйғонди». Кеча вулқондан отилаётган оловли лава 50 метргача балангликка кўтарилди. Таъкидлаш жоизки, бу Этна вулкони-нинг жорий йилдаги олтинчи марта отилишидир. Шу муносабат билан сайёҳларнинг вулқон атрофидаги ҳудудларга келиши чегараланди.

• АКШнинг Аризона штатида кучли қум бўронлари рўй бериши муносабати билан «Phoenix Sky Harbor» халқаро аэропорти мутасаддилари бир нечта рейсларни бекор қилишга мажбур бўлишди.

• Испаниядаги аънавий «Энсьерро» деб номланувчи буқалар билан югуриш байрамида 42 киши жароҳат олди ва улардан уч нафари оғир аҳволда шифохонага ётқизилди. Памплон шаҳрида саккизинчи марта ўтказилган ушбу аънавий байрамда коррида мусобақалари учун махсус тайёрланган олти та буқа ва юзлаб кишилар иштирок этишди.

• Ҳиндистоннинг жанубида янги уран кони топилди. Дастлабки ўрганишлар ушбу кон уранга ниҳоятда бойлигини кўрсатмоқда. Дастлабки маълумотларга қараганда, Андхра Прадеш штатида жойлашган Тумалапалли қонидаги уран захираси 49 минг тоннани ташкил этади. Янги қондаги уран моддасини жорий йилнинг охирида қайта ишлашга киришиш кутилмоқда.

БУЮК ВА МУҚАДДАСАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

Ўтган давр мобайнида босиб ўтган мураккаб йўлимизга яна бир бор назар ташлаб, мустақил тараққиётимиз давомида амалга оширган ишларимиз, эришган натижаларимизни ҳолисона баҳолаш ва уларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг эътибори ва онгу шуурига етказиш мақсада мувофиқ, деб ўйлайман.

Ислом КАРИМОВ



ИЛК ҚАДАМНИНГ ШИДДАТИ (1991 йил)

Халқ — ҳамиша тарихи билан тирик. Тарих фақат ўтмиш эмас. У халққа, авваламбор, бугун, эртаси учун керак. Халқ — ҳамиша йўлбошчага муҳтож. Шукри, халқ бугун Ватанига, миллий давлатига эга, раҳнамо йўлбошчиси бор. Биз бахтли авлодимиз. Чунки халқимизнинг бир ярим асрлик армони ушлаган замонага гувоҳимиз. Тарихни, бугунни, келажакни ўйлаб мушоҳада қилинса, камрови, аҳамияти, мураккабликлари билан Истиқлолнинг ҳар бир йили халқ ва давлат тарихида бир неча йилга татийдиган даражада кенгайиб кетади... Бугун 50 ёшдан ошган кишилар умрининг бир қисми шўро даврида, қолган 20 йили истиқлол замонидadır. Қиёслаш учун бундан ортиқ имкон бўлмас.

Дунёда буюк тушунчалар, муқаддас кадриятлар — кўп. Лекин уч тушунчанинг булар орасида айрича ўрни ва алоҳида аҳамияти бор.

БУ — ХАЛҚ, ВАТАН, ДАВЛАТ

Уларни бир-биридан ажратиб тасаввур қилиб ҳам бўлмайди. Халқ бўлмаса, Ватан ва давлат тушунчаларига эҳтиёж ҳам қолмайди. Ватан бўлмаса, халқ қаерда яшайди-ю қай гўшада давлат қурари? Халқ бўлса-ю Ватан бўлса-ю давлат бўлмаса, бу халқ ва Ватаннинг ҳолига не бўлганди...

Тўғри, 1991 йилнинг 31 августига қадар ҳам халқимиз бор эди. Ўзбекистон деган ҳудуд шу эди. Демак, Ватан ҳам бор эди. Фақат номиа йўқ эди? Халқнинг қўлида миллий давлати йўқ эди. Бишадан ўз давлати йўқ халқнинг пешонаси — шўр, бахти ҳам — яримта. Ўз-ўзидан, номи ҳам бутун эмас. Чунки айнан миллий давлати йўқлиги учун халқимиз йўқ-да. Ватаннинг тақдирини ҳам ўзгаларнинг қўлида эди. Буни истибдод ёки мустабиллик дейишди.

Ахир, Ватан бўлса-ю унга ўзинг эга чиқолмасанг, халқнинг бўлса-ю юрак ютиниб, «халқим», дейилмасанг. Республика мадҳиясини аввал ўзингдек бошқа бир халққа салом бериб бошласанг...

— Биз дунёда 40 миллионли халқимиз, — деган эди курдлардан бири ойнаи жаҳон орқали чиқишида. — Эронда, Ироқда, Туркияда, Афғонистонда, Озарбойжонда яшаймиз. Лекин «Курдистон» деган давлатимиз йўқ-да. Давлати йўқ миллат йўқдек гап экан: курд тилида бирорта мактаб ҳам йўқ...

Шундай кезлари беихтиёр минг бора шукр! — деб юборасан...

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритганидан кейин демократик жамият барпо этишга киришди. Бунинг учун ислохотлар бошлаб юборди.

Асли ислохот сўзи ўзгариши деган маънони ифода қилади. Ҳозир тилимизда у кўпроқ жамиятни, тузумни ўзгаришини аниқлатади.

Хўш, тузумни нега ўзгариши керак? Президент Ислом Каримов 1991 йилнинг 31 августига республика парламентидаги тарихий маърузасида Ватан ва халқ тарихидаги бира-тўла икки буюк янгиланиш эълон қилди:

биринчиси — Ўзбекистон ҳудудида тамоман янги, мустақил давлат тузилганини; иккинчиси — социализмдан воз кечиб, янги тузум барпо этишга киришилганини.

Янги тузумнинг номи нима ва моҳиятида нима ётади? Президент Ислом Каримов асарларида бу янги тузумнинг қуйидаги уч номи тилга олинди:

1. Бозор иқтисодиётига асосланган демократик тузум.
2. Бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамияти.
3. Бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий давлат.

Ана шу уч ном бир-бирини тўлдирди, бир-бирини келиб чиқди, бир-бирини талаб қилади ва тақозо этади.

Мана, йигирманчи йил кетяптики, биз ана шу тўб ислохотларни амалга ошириб келаямиз. Юртбошимиз ана шу тарихий маърузасида ислохотлар уч йўналишда амалга оширилишини ҳам белгилаб берди. Бу:

- сиёсий ислохотлар;
- иқтисодий ислохотлар;
- маънавий ислохотлар.

Мамлакатда бир қатъий қоидага изчил амал қилиб келинганда: ислохот ислохот учун эмас, инсон, унинг манфаатлари учун!

Демак, ислохотлардан қўзланган бош мақсад — халқ ҳаётини яхшилаш, фуқароларнинг эмин-эркин яшашини, ривожланишини, бунёдкорлик ишлари билан фаол шуғулланишини, умрини унумли ўтказишини, турмуш мазмунини бойишига эришишдан иборат.

Ўзбекистонда бир тузумдан иккинчисига ўтиш мамлакат шароитига, халқ манфаатларига мос ва хос равишда амалга оширилади. Бу илмий асосланган ҳолда олиб борилади. У Президент Ислом Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ шакллантириб берган ўттиз даври беш тамойилида тўла ақс этган (Бу беш тамойил моҳияти ҳақида ушбу туркумнинг кейинги мақолаларида алоҳида сўз боради).

Бир нарсага амин бўлайлик: Ўзбекистон бугун 20 йил бурунги Ўзбекистон эмас! Бугун инсоннинг ҳаёти тубдан ўзгарганига гувоҳ бўлаяпмиз. Хуллас, Ўзбекистон Республикасида демократик ислохотлар миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда амалга ошириляпти. Биз давлат бўлдик. Ҳар бир мамлакат ва унинг халқига давлат керак. Миллий давлатимиз мустақиллик берган энг олий неъмат ҳисобланади.

1991 йилнинг 1 сентябидан Ўзбекистон учун тамоман янги ҳаёт, бутунлай бошқача замон бошланганини ҳаммамиз биламиз. Лекин, мана, орадан йигирма йил ўтди... Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўша йили 31 август куни парламент минбаридан туриб: «Бугундан эътиборан 1 сентябни Мустақиллик куни — умумхалқ байрами

юрадиган кўп-кўп кишилар сиёсат бирдан бундай миллийлашганини ханг-манг бўлиб қарши олаётганини уларнинг ўзини тутишидан билиб олиш қийин эмас эди.

Ўзбекистон байроғини янгилаш ҳаракатлари Истиқлол арафасида бошланган эди. Бу 1991 йил 18 ноябрда Мустақил Ўзбекистон байроғини қабул қилиш билан якун топди. Мустақил ҳаёт бошлаганимизнинг 79-қўни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари ўтказилган VII сессиясида Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тасдиқланди.

Марказий Осиёдаги қўшниларимиз орасида биз биринчи бўлиб миллий байроқ қабул қилдик.

Байроқ, герб, мадҳия сўзларини ДАВЛАТ тушунчасидан айри тасаввур қилиш — қийин.

Қаердаки байроғимизни кўрсак, гербимизга кўзимиз тушса, Давлат мадҳияси янгради, унинг биринчи сўзи кулоғимизга эшитилса бошланиш билан кўз олдимизда жонажон Ўзбекистонимиз бус-бутунлигича — осмон-пар тоғлари, чексиз яилловлари, ям-яшил водию воҳалари, тарам-тарам дарёлари, гўзал шаҳарлари, сўлим қишлоқлари, бағрикенг овуллари, равон-равон йўллари, ҳосилдор боғлари бир ёни уфққа туташиб кетган бўлиб экинзорлари... билан гавдаланади.

Хатто, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси жаранлаганда, ҳаммамиз уни тик туриб эшитамиз, жўр бўлиб куйлаймиз...

Аммо энди 1991 йилнинг мустақилликка эришганимиздан кейинги мураккаб ойлари кўз олдимизга келтиринг. Мустақил давлатга айланганимиздан кейин унинг байроғи, герби ва мадҳиясини қабул қилишимиз керак эди.

Давлат байроғи, унда муҳрланган рамзлар бугунги Ўзбекистон сарҳадида қадимда мавжуд бўлган давлатлар билан тарихан боғлиқлигини аниқлаш ҳамда миллий-маданий анъаналаримизни ўзида мукассамлаштириди.

Давлатчилигимиз тарихининг қайси бир даврини олиб қарамайлик, давлат рамзлари Ватан тимсоллари сифатида

ИСТИҚЛОЛ, ИСЛОҲОТ, ИСТИҚБОЛ

Истиқлол йилларини, ислохотлар ва истиқболни белгилаш даври, деб баралла айта оламиз. Таниқли адабиётшунос, публицист Султонмурод Олим тахририятига Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллик шонли тарихига оддий бир фуқаронинг кўзи билан қараб, «ИСТИҚЛОЛ, ИСЛОҲОТ, ИСТИҚБОЛ» деган умумий сарлавҳа остида ёзилган мақолалар туркумини тақдим этди.

Бу содда, равон ва тушунарли тилда битилган илмий-оммабоп мақолалар Ўзбекистонимиз ана шу 20 йил мобайнида босиб ўтган шонли ва мураккаб истиқлол йўли, сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳалардаги ислохотларимиз, жаҳонда эришяётган муносиб мавқеимиз хусусида, халқимизнинг бунёдкорлик қудрати тўғрисида ҳикоя қилади, шу тариқа истиқлолимиз моҳиятини янада тараққий қилади.

Муаллиф мустақилликнинг ҳар бир йили тарихини аниқ манбалар асосида алоҳида-алоҳида ёритиш йўлидан борган.

Азиз газетхон, «Истиқлол, ислохот, истиқбол» туркумида қаламга олинган жараёнларда баён этилган воқеа-ҳодисаларга кўпчилигимиз бевосита дахлдормиз, келтирилган далилларга гувоҳимиз.

ҳамиша азиз ва муқаддас саналган. Ҳамма замонда ҳам булар шунчаки давлат сиёсатини амалга ошириш воситасигина бўлиб қолган. Аксинча, жуда катта ижтимоий-маънавий аҳамият ҳам касб этган.

Халқимизнинг буюк давлат барпо этиш ғояси, салоҳияти ва умуминсоний кадриятларга содиқлиги, энг аввало, давлат рамзлари кўз олдимизга келтирилади. Шу боис аждодларимиз ҳаётида рамзлар ва тимсоллар жуда эъзозланган. Одамлар давлат тимсоллари учун ўз жонларини ҳам фидо этишган. Жангу жадалларда байроқнинг қулаши ёки душман қўлига ўтиши мағлубият билан баробар турган.

Соҳибқирон Амир Темур даврида ҳам давлат байроғи катта ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий аҳамиятга эга бўлган. Шу сабабли жангу жадалларда давлат байроғини Амир Темурнинг энг ишонган баҳодир сипоҳийлари қўриқлаган. Темур тузукларида таъкидланишича, душман устидан шижоат ва мардлик кўрсатиб, галаба қозонган амирлар ва сипоҳийлар давлат тимсоллари — туғ ва ногора билан муқофотланган. Бу — Соҳибқирон салтанатида давлат рамзлари нечоғли бандан турганидан далолат беради.

Мустақил давлатимиз рамзлари, жумладан, байроғимизда ҳам халқимизнинг хоҳиш-иродаси, ақл-салоҳияти, асрлар мобайнида синовлардан ўтган миллий гурури, кайфияти акс этган.

Байроғимиз қабул қилинган кундан бошлаб халқимизнинг ифтихор тимсоли айланди. Мамлакатимиз микёсида ўтказила бошлаган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирлар Давлат байроғини тантанали суратда кўтариш билан очилмайдиган бўлди.

Йил охирига келиб, яъни 29 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги тўғрисида умумхалқ референдуми ва Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови бўлиб ўтди. Халқ давлат мустақиллигини қўллаб-қувватлади ва миллий давлатининг биринчи Президентини сайлади.

Бошқа ютуқларимиз қаторида Ўзбекистонимиз шу 20 йил мобайнида компьютер мамлакатига айланганининг ўзини ўйласанг ҳам, мушкулотларга қарамаздан, қанчалар олдинла кетаётганимиз маълум бўлади.

Ўзбекистон, асосан, пахта хомишаси етказиб берадиган республикага айланган бўлишига қарамай, ўша 1991 йили мамлакатда бор-йўғи 900 миң тонна галла етиштирилган эди, холос. Бу янаги пишиқчилик у ёқда турсин, ўша 1991 йилнинг охиригача ҳам етмас эди. Ўзбекистонда галла мустақиллигига эришиш ғояси мустақилликнинг илк кунларидаёқ турилган ва амалга оширишга киришилган эди. Ҳозир ундан 8 баробар кўп галла етиштиряётганимизни ўйласак, истиқлол халқимиз ва давлатимиз учун арзон-гаровга мустақилликни қолган неъмат эмас экани аёнлашади.

Тарихни варақлаш — қизиқ-да. Ўша 1991 йилнинг тўрт ойи мобайнида жаҳоннинг нақ 64 давлати Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини расман тан олди. Бу ўша пайт учун қанчалар катта аҳамиятга эга жаҳоншумул воқеа бўлганини бугун эслаш ҳар бир ўзбекистонликка айрича бир ҳузур бағишлайди, албатта.

25 декабрда Ўзбекистон Республикаси Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотига аъзо бўлди.

Булар Ўзбекистонимизнинг халқро майдондаги илк қутул одимлари эди.

Хуллас, мустақилликнинг илк қадамлари ана шундай жуда шиддатли кечган эди.

Султонмурод ОЛИМ (Давоми бор)

АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ ФАОЛИЯТИ

Пойтахтимизда «Ўзбекистонда давлат бошқаруви органлари ва жамоат ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари» лойиҳаси доирасида беш кунлик семинар-тренинг ўтказилди.

Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ЕХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ҳамкорлигида амалга оширилаётган лойиҳанинг ушбу босқичи давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Қонунчилик палатаси, турли вазирликларнинг ахборот хизматлари раҳбарлари, олим ва экспертлар, мутахассислар иштирок этди.

— Давлатимиз раҳбари томонидан юртимизда миллий матбуот соҳасини янада ривожлантириш, уни эркин фикр минбарига айлантириш юзасидан улкан ишлар амалга оширилмоқда, — деди Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев. — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ўнга яқин қонун фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқ ва кафолатларини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг жаҳон андозалари даражасида фаолият кўрсатишида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

ЕХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори Иштван Венсел ахборот эркинлиги инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми эканини, воқеа ва ҳодисаларни оммавий ахборот воситаларида реал акс этириш жамиятда демократик кадриятларнинг мустақам қарор топишида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот хизматлари, медиа-тузилмалар ишини фаоллаштириш, уларни давр талаби асосида йўлга қўйишнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Юртимизда вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг ахборот хизматларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, мутахассисларнинг билим ва маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Семинар машғулотларида юртимиз оммавий ахборот воситалари фаолиятига оид миллий қонунчиликнинг асослари, ахборот хизматларининг медиа-тузилмалар билан ўзаро ҳамкорлигини муваффақиятли йўлга қўйиш, жамоатчилик билан ишлашнинг психологик аспекти, веб-сайтларнинг бугунги ҳолати ва уларни янада ривожлантириш каби мавзуларга оид долзарб масалалар атрофида муҳокама этилди.

Инобат ЭГАМҚУЛОВА, «Туркистон-пресс»

МАМЛАКАТИМИЗ СУВ ХЎЖАЛИГИДА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ЯНАДА КЎПАЯДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Лойиҳа уч йилга мўлжалланган бўлиб, Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларидаги 9 коллежни қамраб олади. Бу таълим даргоҳлари сув хўжалиги иншоотларини, сув таъминоти ва каналлаштириш тизимларини бошқариш соҳаси учун мутахассислар тайёрлаш бўйича минтақавий марказларга айланади. Бундан ташқари, мазкур коллежларда ушбу йўналишда меҳнат қилаётган мутахассислар малака оширади, соҳада ишлаш истиқоли бўлган фуқаролар ўқитилади.

«Ўзбекистонда сув хўжалиги соҳасида касб кўникмаларини ривожлантириш» лойиҳаси Ўзбекистон ва Швейцария ўртасида 2002 йилда имзоланган Техник ва молиявий ҳамкорлик ҳамда инсонпарварлик ёрдами тўғрисидаги битим доирасида амалга оширилмоқда. Швейцария ҳукумати томонидан ушбу лойиҳа учун 3,4 миллион АҚШ доллари ажратилган.

— Ўзбекистонда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими юқсак даражада ривожланган, — дейди лойиҳанинг халқро раҳбари Ханс Дитер Хопфнер. — Мамлакатингизнинг барча худудларида барпо этилган юзлаб замонавий коллежларда ўқувчилар умумтаълим фанлари ва ўзлари танлаган мутахассислик бўйича пухта билим олмақда. Коллежлар Ўзбекистонда яратилган ноёб узлуқсиз таълим тизимининг муҳим бўғинидир. Жаҳонда Ўзбекистон каби таълим соҳасини ривожлантиришга давлат бюджетидан бунчалик катта маблағ йўналтиряётган бошқа мамлакатни топиш қийин. Бу мамлакат келажаги ва унинг янада раванқ топиши йўлидаги гамхўрликнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Лойиҳани амалга ошириш тўғрисидаги битимни Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директори Ж.Исmoilов ва Швейцариянинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва Мухтор элчиси Анн Боти имзоладилар.

Анна ИВАНОВА, ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг ёш тадқиқотчи-докторанти Инкён О (Eunkyung Oh) бир йил аввал Жанубий Кореядан мамлакатимизга келганди. У ўзининг илмий ишида ўзбек халқининг «Алпомиш» ва корей халқининг «Жумонг» достонлари асосида икки қаҳрамонлик эпосини қиёсий таҳлил қилмоқда.

КОРЕЯЛИК ЁШ ОЛИМА «АЛПОМИШ»НИ ЎРГАНМОҚДА

У илк бор «Алпомиш»ни 15 йил аввал ўқиб, унинг бош қаҳрамонига том маънода мафтун бўлиб қолган. Уша йиллари бу кизда Ватанимизга келиб, ўзбек халқи, унинг урф-одатлари ва маданияти билан яқиндан танишиш истаги пайдо бўлган.

Ўтган йили унинг орузи ушларди. Инкён О Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти мутахассислари билан ушбу машҳур достонни ўрганиш ҳақидаги режаларини ўртоқлашганда, уни қўллаб-қувватлашди. Бу лойиҳа мумим аҳамиятга эга бўлгани боис, институтнинг фольклор бўлими мудири, филология фанлари доктори, профессор Маматкул Жўраев унга илмий раҳбар этиб тайинланди.

Инкён О тиришқоқлиги ва қатъиятчилиги туйғайли қисқа вақт ичида ўзбек тилини ўрганиб олди. Айни вақтда ёш

олима докторлик ишини ўзбек тилида ёзмада ва бу, шубҳасиз, таҳсинга сазовордир.

— Ёш тадқиқотчи илмий журналларда чоп этиш учун бир неча долзарб мақолаларни тайёрлаб қўйди, — дейди профессор М.Жўраев. — Инкён О достонларнинг сюжетларини ўрганиш асосида икки халқнинг ажойиб адабий ёдгорликларидан қизиқарли ўхшашликлар борлигини аниқламоқда. Яна шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, у замонавий жаҳон фольклоршунослигини жуда яхши билади.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 1998 йили мамлакатимизда «Алпомиш» достони яратилганининг 1000 йиллиги кенг нишонланди. Шу муносабат билан достонни чуқур ўрганиш, у билан боғлиқ илмий тадқиқотларни кенгайтириш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Корея-

лик ёш олима ҳам мамлакатимизга айнан ушбу достон билан янада яқиндан танишиш, уни янада чуқур ўрганиш мақсадида келган. Истиклолимиз шарофати билан олимларимизнинг хорижий шериклар билан ҳамкорлик алоқалари тибора мустаҳкамланмоқда. Табиийки, жонаҳон Ватанимизнинг бой тарихи, ажойиб мейморий ёдгорликлари, бетакрор достон ва мақомлари, энг муҳими — иқтидорли, меҳмондўст ва бағрикенг халқи бутун дунёдан зукко ҳамда қизиқувчан инсонларни ўзига жалб қилмоқда.

Институтда бу мунис қизни Нигора деб аташади. Шарқда ҳар бир исм теран маънони англатади. Инкён Ога ҳам



Ўзбекча исми жудаям ёқади, қақирсангиз, дарҳол «лаббай» деб жавоб беради.

Ҳозир олима ўлмас достонимиз унинг мамлакатидан ҳам севиб ўқилишини, корей халқининг ҳам маънавий бойлигига айланиб қолишини орзу қилган ҳолда, «Алпомиш»ни ўз она тилига ўғирмоқда.

Ишонимизки, унинг ушбу эзгу орзу-си албатта рўёбга чиқади!

**Р.ШАГАЕВ,
Ўза мухбири**

ЧОРРАҲАДАГИ МАДАНИЯТ КАРВОНСАРОЙИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ижод аҳлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, турли имтиёзлар яратиш, ўз ижод маҳсулини томошабинларга намойиш этишларига бир қатор замонавий кўргазма заллари барпо этилди. Президентимизнинг шахсан ташаббуслари билан барпо этилган Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси, Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси, Ёшлар ижод саройи каби маънавият, маданият, санъат масканлари бугунги кунда миллатнинг маънавий юқалиши, маданий савиясини шаклланиши ҳақида узоқни ўйлаб олиб борилган маданий қурилиш сиёсатининг амалдаги ифодасидир.

Пойтахтимиз кўрғига-кўрк қўшиб турган санъат қосоналаридан бири Ўзбекистон, Япония ва Буюк Ипак йўлида жойлашган бошқа мамлакатларнинг маданий меросини омаллаштириш билан шугулланадиган илмий-маърифий марказ — Иқо Хираяманинг Халқаро Маданият карвонсаройидир (ХМК).

Буюк Ипак йўли — жаҳон цивилизациясининг улкан ютуқларидан бири бўлиб, у инсоният тарихида дастлаб шарқ ва ғарбни ўзаро боғлаган. Бу йўл нафақат савдо учун, балки кўпқиррали маънавий қадриятлар, диний ғоялар, бадий маданиятлар ва анъаналар алмашинуви манбаига ҳам айланган.

Халқаро маданият карвонсаройи Ипак йўли анъаналарининг қайта тикланишига, ўзаро ҳурмат, динлараро ва халқаро бағри кенглик асосида маданиятларни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Анъана ва замонавийлик синтези ва ўзаро алоқалар ривожининг рамзи бўлиши ушбу карвонсаройи иккита бинода жойлашган. Ушбу ишонот қадимда бу ерда «карвонсарой» бўлганлигини эслатиб туради.

Бинолардан бирида маъмурий хоналар, анжуманлар зали, Иқо Хираяма ва Япония элчихонаси совга қилган Буюк Ипак йўли тарихи, археология, санъатшунослик, этнография каби соҳалар бўйича мингдан ортиқ китоб, альбом, журналлар мавжуд кутубхона жойлашган. Шунингдек, ўрта асрларга мансуб рангли туш билан қозғ ўрамага ишланган асарларини совга қилган корей мўйқалам усталари бошлаб берган турли халқларнинг анъанавий рангтасвир асарлари мавжуд.

Бошқа бинода кўргазма зали жойлашган. Унда тасвирий ва амалий-безак санъати бўйича республика ва халқаро кўргазмалар ўтказилади, видео-арт, инвайромент намойиш этилади, болалар асарлари танлови бўлади, Шарқ ва ғарб фан ва маданият арбоблари билан ижодий кечалар ташкил этилади. Булардан ташқари, бинода иккита музей зали жойлашган. У ерда археологлар гуруҳи ва илмий ходимларнинг бошқа мамлакатлар археологлари билан ҳамкорликда Ўзбекистонда олиб борилган тарихий ёдгорликлар қазилма ишлари чоғида топилган «Буюк Ипак йўли қулоччилиги» асарлари сақланади. Шу ернинг ўзига археологлар топилмаларга ишлов берилганда ва қайта тикланадиган хоналар, шунингдек таъмирловчиларни япон мутахассисларининг методикаси ва технологияси асосида ўқитиладиган «лаборатория» ва илмий-ижодий устaxonа жойлашган.

— Карвонсаройи жаҳон маданиятини чуқурроқ ўрганишга, халқаро ижодий ва илмий алоқаларни мустаҳкамлашга, Буюк Ипак йўли анъаналарини тиклашга кўмаклашгади, — дейди Ўзбекистон Бадий академиясининг матбуот қотиби Нодир Норматов. — Хорижий мутахассислар билан ҳамкорликда археологик ва этнографик экспедициялар ташкил қилиш ҳам унинг вазифалари сирасига кирди. Буюк Ипак йўли муаммоларини ўрганишга халқаро шериклар, хорижий марказлар, тадқиқот институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш, кутубхоналар ва музей фондлари ташкил этиш, қазилма ишлари пайтида топилган маълумотлар асосида тахлилий ва илмий материаллар, мақолалар тайёрлаш, республика ва халқаро илмий симпозиум, анжуман, семинарлар ташкил этиш ва ўтказиш унинг зиммасига юклатилган.

ХМК Буюк Ипак йўли қулоччилиги музейи ҳар йили ўзбек ва япон олимларининг топилмалари билан бойитиб борилмоқда. Улар Буюк Ипак йўли ёқасида жойлашган республиканинг турли ҳудудларида тадқиқот ишлари ўтказмоқда. Бу ҳамкорликдаги тадқиқотларга ЎзР ФА академиги Э.В.Ртвеладзе, Япония Археология институти профессори Казуя Ямаучи, Киото университети ўқитувчиси Иваи Шумпейи, Сока университети профессори Кендзо Кавасаки сингари машҳур олимлар раҳбарлик қилмоқдалар.

Буюк Ипак йўли қулоччилик музейида қадимги, ўрта асрларга оид ва замонавий қулоччилик, шишачилик ва темирчилик ашёлари, тангалар, мраммар, бўр ва тош топилмалари сақланади. Музей экспозициясининг катта қисмини Кампиртепа (эр.авв. IV — I асрлар ва эрамининг I-II асрлари), Далварзинтепа (эр.авв. III — I асрлар, эрамининг — VIII асрлари), Худой-додтепа (эр.авв. II аср — эрамининг I асри), Мунчоктепа (X — XIII асрлар, Сурхондарё вилояти), Қанқа (X — XI асрлар, Тошкент вилояти) каби машҳур харобалардан топилган ашёлар ташкил этади. Қанқа харобасида олиб борилган қазилмалар натижасида топилган Будда ҳайкали бош кийими беагаи ХМК музейи фахри ҳисобланади. Хорижий мамлакатлар элчихоналари ва усталари музейга Хитой ва Эрон қулоччилиги санъати асарларини совга қилишди.

Шуни ишонч билан таъкидлаш лозимки, Иқо Хираяма Ўзбекистон Бадий академиясини Халқаро Маданият карвонсаройи жаҳон халқлари дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади ҳамда Ипак йўли мамлакатлари маданияти анъаналарини тиклаш борасида турли мамлакатлар ижодкорлари ва жамоатчилик кучларини жамловчи марказ бўлиб қолади.

**Инобат ЭГАМҚУЛОВА,
«Туркистон-пресс»**

2005 йил 5 апрелда 001121 рақами билан Юнусобод туманида давлат рўйхатидан ўтказилган «Н-Абдулазиз-Плюс-Сервис» хусусий корхонасининг (ИНН 205599488) иш фаолияти 1 июлдан тўхтатилади. Давлолат 2 ой давомида 778-04-04 телефони орқали қабул қилинади.

Мирзо Улуғбек туманидаги умумтаълим мактаблари ошхоналарида соғлом овқатланишни ташкил этиш бўйича 2011-2012 ўқув йили учун тендер танлови ўтказилади.

Истеъдод соҳиби

ЕТТИНЧИ СУЛОЛА ВАКИЛИ

Шогирд устозидан сўради: «Авлодларим ёдида қолиш учун қандай ишлар қилай?» Устоз жавоб берди: «Агар фарзандинг ёдида эллик йил яшашни хоҳласанг, эллик йилга етидиган мол-дунё тўплагин, юз йил хотирлашини истасанг, боғ барпо қилган, агар авлодлар хотирасида абадул-абад яшашни хоҳласанг, фарзандларингга ўз хунарингни ўргатгин. Хунар ўлмас мерос бўлиб, отадан болага ўтади...»

Файзуллоҳжоннинг асарларини томоша қилар эканмиз, инсон бекиёс ва тақдорларини гўзалликни яратишга, янгидан-янги кашфиётларни очишга қодир эканлигига яна бир қарра амин бўлдик. Устозхонанинг турлидан жой олган қўллаб-нонъанавий-усулда ишланган асарлар беихтиёр ҳаммамнинг эътиборини тортади.

— Уймакорликда асосан ёнгоқ, чинор, қайрағоч, яъни ўзимизда ўсадиган ёғочлардан фойдаланилади, — дейди Файзуллоҳжон. — Эшик, қутича, лаган, сандиқ каби қўллаб-буюмларга ҳар хил нақшлар соламан. Бошқа хунарлар каби уймакорликда ҳам Бухоро, Қўқон услублари кенг тарқалган. Мен асосан Тошкент услубида ишлаймиз. Ҳозирда мактаб ташкил қилиб, кичи ёшдаги болажонларга бу хунарни ўргатмоқдаман. Келажакда фарзандларим ҳам уймакор бўлишини, сулоласи анъаналарини давом эттиришларини ният қилганман.

«Савобли ишни ҳар ким қилиши керак ва ҳар кун қилиш кер-



рак», деган пурмаъно ҳикमतдан руҳланиб, ана шундай гўзал мақсад йўлида интилаётган бетакрор истеъдод соҳиби Файзуллоҳжон Юсуфхўжаевга битмас-туганмас куч-ғайрат тилаб қоламиз.

**Несибели МАМБЕТИРЗАЕВА,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабаси**

Бугунги ҳаётимизни табиий газ ва электр энергиясиз тасаввур эта олмаймиз. Турмушимизга чуқур сингиб, оғиримизни енгил, мушкуллимизни осон қилаётган мазкур бебаҳо неъматлардан беминнат фойдаланамиз лекин уларни истеъмолчиларга етказиб беришдаги қанчадан қанча меҳнат, машаққат, маблағ сарфланишини кўпчилигимиз билмаймиз.

биий газ истеъмолчилари тўлиқ хатловдан ўтказилмоқда.

Туманларда ташкил этилган йиғма ишчи гуруҳлари томонидан асосий эътибор:

— Туманлар кесимида қарздорликни шакллантириш сифатли хатловдан ўтказиш чора-тадбирларини белгиланган мuddатларда ба ж а р и ш н и таъминлаш;

— Маҳаллаларда ишчи гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш;

— Тегишли вазирлик ва идоралар тузилмалари, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарздорликни хатловдан ўтказиш бўйича ишни сифатли таъминлаш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

— Оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали қарздорликни хатловдан ўтказиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида истеъмолчиларга ахборот бериш. Шунингдек табиий газ бўйича катта миқдорда қарздорликка эга,

қонунчиликка зид ҳолда улардан фойдаланган шахслар тўғрисида маълумотларни кенг ёритиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

— Қарздорликни хатловдан ўтказиш натижалари асоси-

да табиий газ истеъмолчилари қарздорлигини қисқартириш ва кейинчалик унинг юзага келишининг олдини олиш бўйича тақлифларни шахар комиссиясига киритиш учун тайёрлашга қаратилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хатлов давомида аҳоли истеъмолчиларида қарздорлик бўйича 463 та қоида-бузарлик аниқланди ва уларга нисбатан газ тармоғидан ўчириш, дебитор қарздорликларни ундириш бўйича расмийлаштирилган ҳужжатлар жамланиб қонунчи муҳофаза қилиш органларига топшириш чоралари кўрилмоқда.

Газ тармоғидан ўчирилган истеъмолчиларга қайта газ бериш улар томонидан дебитор қарздорлик ҳамда газ тармоғидан узиш ва қайта улаш ҳақиқи тўлиқ тўлаганларидан кейин навбати билан амалга оширилади. Хонадондаги дебитор қарздорлик ва ноқонуний уланганлик учун газ тармоғидан узиш ҳолатлари ва видео-тасвирга тушириш жараёни хонадон эгалари учун маҳалла-қўй олдига уятли ҳолат эканлиги барибара, бир қатор ноқулайликлар ҳам туғдириши табиийдир.

Шунинг учун газ истеъмолчилари туманга хизматларига бориб, қарздорликларини қайта ҳисоб-китоб қилдиришса, тўловларни ўз вақтида адо этсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш мақсадида шахримиз худудининг шох кўчаларида 40 та аҳоли гавжум жойида «Газ асбобларидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилинг» ва «Фойдаланилган газ ҳақиқи ўз вақтида тўлашни унутманг» син-

гари реклама паннолари жойлаштирилди.

Табиий газдан оқилона ва хавфсиз фойдаланиш, газ асбобларидан фойдаланиш қоидаларига амал қилиш бўйича 2000 донна плакатлар чоп этилиб, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган корхона, ташкилот ҳамда муассасаларга тарқатилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 майдаги фармойиши бўйича аҳоли яшаш жойлари, маҳаллалар, корхона ва ташкилотларда истеъмолчилар билан учрашувлар ўтказилиб, маърузалар қилинди, уларда 30 мингдан ортиқ фуқаро қатнашди.

Айни кунларда чора-тадбирлар режасини бажариш борасидаги ишлар масъулият билан олиб борилмоқда. Бу албатта ўз самарасини беради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, халқимизда «Ҳисобини билмаган ҳаёмидадан айрилар» деган доно ибора бор. Шу боис ҳам ҳар бир истеъмолчи фойдаланилган табиий газ ҳисоб-китобини вақтида амалга оширсин, ҳам ўзига, ҳам хизмат сифатига фойда бўлади, «ҳаёми»дан айрилиб, уятга қолмайди.

Шарифа ИЛЁСОВА

Долзарб мавзуда

ҲИСОБИНИ БИЛМАГАН...

да табиий газ истеъмолчилари қарздорлигини қисқартириш ва кейинчалик унинг юзага келишининг олдини олиш бўйича тақлифларни шахар комиссиясига киритиш учун тайёрлашга қаратилган.

Газ тармоғидан ўчирилган истеъмолчиларга қайта газ



Пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

БОҒДА БАЙРАМ ТАДБИРИ

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда маданият ва санъат намояндалари, спортчилар, маҳалла оқсоқоллари ва уларнинг маслаҳатчилари, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Яккасарой тумани ҳокими В.Муллажонов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш, ўғил-қизларни болалигидан соғлом турмуш тарзига жалб этиш,

уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Тадбир доирасида ташкил этилган мини-футбол, стол тенниси, шашка, арқон тортиш ва югуриш мусобақаларида юзга яқин ўқувчи-ёшлар иштирок этди. Тумандаги мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида асфальтга расм чизиш бўйича танлов ўтказилди.

Истиқлол туфайли фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб вояга етиши, бахтли ҳаёт кечирishi учун барча имкониятлар яратилмоқда,



– дейди ўза мухбирига «Яккасарой» маҳалласи оқсоқоли Нўмон Низомов. – Болаларимиз мана шу имкониятлардан унумли ва оқилона фойдаланиши, ўз иқтидорини намойён этиб, Ватанимиз равнақиға ҳисса қўиши лозим. Бундай тадбирлар ўғил-қизларимиз онгида ватанпарварлик, юртга садо-

қат туйғуларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эға.

Мусобақа ва танлов ғолибларига ҳамкор ташкилотларнинг совғалари топширилди. Намойиш этилган концерт иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Байрам АЙТМУРОДОВ



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ҲИКМАТЛАР ГУЛДАСТАСИ

ХОТИРА ВА АБАДИЯТ ҲАҚИДА

Ватан учун қурбон бўлганларнинг ёди — муқаддас.

Уруш қурбонининг хотираси — булутлар орасида ялтираб турган юлдузга ўхшайди.

Хотира — марҳумга нисбатан эҳтиромдир.

Хотира — инсоннинг пок қалбидаги буюк ҳислардан бири.

Марҳумни эслаш — одамийлик.

Хотиранинг умри — сукунат ичида.

Хотира — сукунатда тилга қиради.

Шаҳид бўлган баҳодир — абадий навқирон.

Абадийлик — муқаддасдир, унга ҳамма бош эгиб таъзим қилади.

Мангуликка — аср бир қадам.

Дунёда абадий яшатадиган ўлим — эл ва халқ учун жон фидо қилиб ўлишдир.

Кекса одам қўчат экса, ўз номини экади.

Одам — вақтинча, одамлар эса — абадий.

Эзгуликларга хизмат қилган киши — абадий яшайди.

Соқингина ўтган тириклик изларини сал кунда ҳаёт шамоли супуриб ташлайди.

Ёдгорлик — хотира ҳайкали.

Инсон — ўз ота-боболарини асло унута олмайди.

Ота-онани унутиш — ҳайвонликдир.

Яхши ва ёмон кунларнинг сурати — қалбларда тахланиб ётади.

Шухрат — ҳақиқий бўлса, ўлганин ҳам тирилтиради.

Нодир ёдгорликлар тошдан бўлганидек, улугларнинг нодир фикрлари ҳам тошга айланиб мангу яшайди.

Одам — муваққат яшаса-да, фарзандлари умрини давом эттириб, абадийлаштиради.

Табиат қонунлари — одам билан абадий.

Яхши хотира — доимо ҳурматли.

Марҳум экиб кетган дарахт ҳам муқаддас.

Хотира — қалб ёзувиға босилган муҳр.

(Давоми бор)

Янги лойиҳалар

БОТИРЛАР БЕЛЛАШУВИ

Ўсиб келаётган авлодни ақлан етук, жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш, иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни рағбатлантириш мақсадида Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик ҳарбий билим юртида қизиқарли мусобақа ташкил этилди.

«Мустақил Ўзбекистоннинг бахтли болаларимиз» шиори остида ўтказилган «Ботирлар» ҳарбий-спорт ўйинлари мамлакатимиз мустақиллигининг йиғирма йиллигиға бағишланган бўлиб, унда Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти махсус спорт мактабларининг 20 жамоадан иборат 210 нафар ўқувчиси иштирок этди.

Ўқувчилар спортнинг экстремал турлари бўйича беллашиб, ҳарбий жанг санъати сирларини ўртоқлик беллашуларда ўзлаштиришға муваффақ бўлишди, турли виқториналарда ҳам фаол қатнашди.

Ушбу тадбир Мудофаа, Ички ишлар, Халқ таълими вазириликлари, «Соғлом авлод учун», «Сен ёлғиз эмассан» жамғармалари ва Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ташкилотчилар мусобақаларға старт берилишидан аввал мамлакатимизда

ёшларни спортға жалб этиш борасида амалға оширилаётган хайрли ишлар хусусида тўхталиб ўтишди. Таъкидланганидек, ёш авлод тарбиясида спортнинг ўрни бекиёс. Давлатимиз томонидан бу бордада ўғил-қизларға кўрсатилаётган ғамхўрлик натижаси ўлароқ бугунги кунда улар жаҳон миқёсида ҳам юксак марраларни забт этмоқда. Ўзбекистон байрогини олам узра баланд кўтараётган спортчиларимизни дунё танимокда.

Ўсмир-ёшлар орасида илк бор ўтказилган «Ботирлар» ўйинлари, ният қилинганидек, вақти келиб оммавий турлади. Спорт мактабларида тахсил олаётган бўлажак Ватан ҳимоячилари бу каби беллашуларда чинқиб, ўзига яраша тажриба орттиради ва албатта, келажакда орзу-умидларни сари дадил одимлашға ҳаракат қилади.

Садоқат АСЛАНОВА



Юртимизда кейинги пайтларда хотин-қизлар ўртасида спортни ривожлантириш ишларига муҳим эътибор қаратилмоқда. Айниқса, корхона-ташкilotларда фаолият кўрсатаётган аёллар ҳамда уй бекаларини оммавий спорт ва жисмоний тарбияға жалб этиш ишлари туманларда яхши йўлга қўйилган.

Саломатлик — туман бойлик

СУВ ҲАВЗАСИДА — УЙ БЕКАЛАРИ

Жумладан, Сергели туман ҳокимлигининг ташаббуси билан мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигиға бағишлаб хотин-қизлар ўртасида сузиш бўйича «Спорт — саломатлик ва ғўзаллик рамзи» номли мусобақалар ўтказилди. Туман хотин-қизлари ўртасида спортнинг сузиш турини ривожлантириш, соғлом турмуш тар-

зини тарғиб этишдек хайрли мақсадларни кўзлаб уюштирилган мусобақада тумандаги умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежлари ходимлари, Ҳабибий, «Оқибат», Бобур, Жомий, «Чоштепа», Навоий, «Нилуфар», «Нўғайқўрғон» маҳаллаларида истикомат қилувчи уй бекалари иштирок этди.

Албатта, мақсад юқори

натижа кўрсатиш эмас, балки спортға ошно бўлиб соғлиқни тиклаш эди. Шу тариха натижалар сарҳисоб қилинган, 17-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ходими Александра Белозерова галаба нашидасини сурди. Ирина Ушакова ва Эвита Азимовалар кейинги совринли ўринларни эгаллашди.

Оммавий сузиш мусобақалари ғолиб ва совриндорлари эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Муроджон ЗУФАРОВ Козим Ўлмасов олган сурат

Спорт янгиликлари

Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантиришға қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида халқимизнинг миллий спорт тури — кураш халқаро майдонда кенг оммалашмоқда.

Курашнинг мазмун-моҳияти, халқимиз ҳаётида тугган ўрни, қоида ва усуллари, беллашув жараёнида янграйдиган атамаларни чуқурроқ ўрганиш мақсадида Янги Зеландия кураш федерацияси раиси Иохан Башофф раҳбарлигидаги делегация аъзолари юртимизға таширф буюрди.

Бугун курашнинг фалсафаси, моҳияти ва унинг жозибаси бутун дунёда юксак эътирофға сазовор бўлмоқда, — дейди И.Башофф. — Унинг дунё бўйлаб жадал ривожланаётгани мустақиллик йилларида Ўзбекистонда барча спорт турлари, жумладан, курашни ривожлантиришға қаратилаётган улкан эътибор самарасидир. Бугун Ўзбекистоннинг спортни фаол ривожлантаётган мамлакат сифатида бутун дунёда яхши билинади.

Кураш — ор-номус, ҳалоллик, ватанпарварлик, олижаноблик, бағрикенглик каби халқимизға хос фазилатларни ўзида муқассам этгани билан алоҳида аҳамиятга эришди. Бугун юздан зиёд мамлакатда кураш федерациялари фаолият юритмоқда. ХАА ҳамда унга аъзо Осиё, Европа, Панамерика, Африка ва Океания ку-

раш конфедерациялари томонидан маъжур яккакураш тури бўйича жаҳон ва кўта чемпионатлари, халқаро турнирлар юксак савияда ташкил этилаётди. «Халол», «чала», «кураш», «таъзим» каби ўзбекча сўзлар

ЎЗБЕК КУРАШИ ЖАДАЛ ОММАЛАШМОҚДА

халқаро спорт атамалари қаторига кирди.

Жорий йилда Греция ва Буюк Британияда кураш бўйича «Ислам Каримов» анъанавий халқаро турнирлари юқори савияда ташкил этилиб, уларда дунёнинг кўплаб давлатларидан келган курашчилар ғолиблик учун куч синашди.

Шу йилнинг 14 июлида Япониянинг Токио шаҳрида Осиё олимпиа кенгашининг навбатдаги Бош ассамблеяси бўлиб ўтди. Унда 2013 йили Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида ёпик иншоотларда ўтказилаётган ҳамда жанговар яккакурашлар

бўйича IV Осиё ўйинлари дастури муҳоама этилди. Авваллари алоҳида ўтказилган бу икки нуфузли мусобақанинг қўшилиши натижасида унинг дастуридан фақат дунё миқёсида жадал ривожланаётган спорт турлари жой олди.

Осиё олимпиа кенгаши қарорига кўра, кураш ёпик иншоотлардаги ва жанговар яккакурашлар бўйича ўтказилаётган IV Осиё ўйинлари дастурига расман киритилди. Бу, курашнинг Олимпиа ўйинлариға киритилиши сари қўйилаётган дадил қадамлардандир.

Юртимизда меҳмон бўлиб турган делегация аъзолари Жиззах шаҳрида кураш бўйича 1992-1993 йилларда туғилган ёшлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида иштирок этди.

— Кураш билан уч йилдан бери шуғулланаман, — дейди янги эландиялик кураш сирасорини хали кўп ўрганишни кераклигини тушундим. Ўзбек полвонларининг маҳорати, турли усуллари эпчиллик ва моҳирлик билан кўллаши, кураш тушиш тактикаси мени хайратта солди.

Делегация аъзолари Кураш халқаро ассоциацияси, Ўзбекистон Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш марказида учрашув ўтказиб, Фарғона ва Марғилонда ташкил этиладиган турнирларда иштирок этди.

(ЎЗА)

ОЛИМПИАЧИЛАРИМИЗ АВСТРИЯДА

Келгуси йили Буюк Британия пойтахти Лондонда уюштирилаётган XXX ёзи Олимпиада ўйинларининг футбол мусобақаларида иштирок этишни ният қилган Ўзбекистон олимпиа терма жамоаси аъзолари Австрияға жўнаб кетишди.

Гап шундаки, «Лондон-2012» йўлланмаси учун ўтказилаётган саралаш турнирининг навбатдаги босқичига йўл олган олимпиачиларимиз «В» гуруҳида ироқлик, австралиялик ҳамда Бирлашган Араб Амирликлари олимпиачиларига қарши ғолиблик учун кураш олиб боришади. Жорий йилнинг 21 сентябридан келгуси йилнинг 14 мартига давом этадиган ушбу мусобақа-

га жиддий ҳозирлик кўриш мақсадида Вадим Абрамов шогирдлари Австрияға йўл олишди. У ерда ўтадиган ўқув-йиғин машғулотлари доирасида Европа клублари билан 3 та назорат-ўртоқлик учрашуви уюштиришни режа қилган Ўзбекистон олимпиа терма жамоасидан ижобий натижа кутиб қоламиз.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бoшқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 бoсма табоқ, офсет усулида бoсилди. 281 нусха бoсилди. Кўраб бeчилиш А-2

Нашрни етказиб бeриш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамитга» — 233-74-05 телефониға мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбоа оқиядорлик кoмпанияси бoсмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.